

**НУКУС ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.Ped.34.01. РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ҚОРАҚАЛПОҚ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

АЙТЫМБЕТОВ НУРМУХАММЕД ЗАХАРАТДИНОВИЧ

**ФИЗИКАДАН ЛАБОРАТОРИЯ ИШЛАРИНИ ИНТЕГРАТИВ
ЁНДАШУВ АСОСИДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МЕТОДИКАСИ
(ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ МИСОЛИДА)**

13.00.02 – Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси (физика)

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
педагогическим наукам**

**Contents of the dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD) on
pedagogical sciences**

Айтымбетов Нурмухаммед Захаратдинович

Физикадан лаборатория ишларини интегратив ёндашув асосида
такомиллаштириш методикаси (олий таълим муассасалари
мисолида)..... 5

Айтымбетов Нурмухаммед Захаратдинович

Методика совершенствования лабораторных работ по физике на
основе интегративного подхода (на примере высших
образовательных учреждений) 23

Aytimbetov Nurmukhammed Zakharatdinovich

Methods for improving laboratory work in physics based on an integrative
approach (on the example of higher educational institutions) 43

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works..... 47

**НУКУС ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.Ped.34.01. РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ҚОРАҚАЛПОҚ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

АЙТЫМБЕТОВ НУРМУХАММЕД ЗАХАРАТДИНОВИЧ

**ФИЗИКАДАН ЛАБОРАТОРИЯ ИШЛАРИНИ ИНТЕГРАТИВ
ЁНДАШУВ АСОСИДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МЕТОДИКАСИ
(ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ МИСОЛИДА)**

13.00.02 – Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси (физика)

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.3.PhD/Ped1020 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Қорақалпоқ давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.ndpi.uz) ҳамда «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Карлыбаева Гулжахан Ермекбаевна
педагогика фанлари доктори, доцент

Расмий оппонентлар:

Курбонов Мирзаахмад
педагогика фанлари доктори, профессор

Камалов Амангелди Базарбаевич
физика-математика фанлари доктори, доцент

Етакчи муассаса:

Гулистон давлат университети

Диссертация химояси Нукус давлат педагогика институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.03/30.12.2019.Ped.34.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «28» XII кунини соат 10⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 230105, Нукус шаҳри, П.Сейтов кўчаси рақамсиз уй.) Тел.: (99861) 229-40-75; факс: (99861) 229-40-75; e-mail: nkspi_info@edu.uz.

Диссертация билан Нукус давлат педагогика институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (30 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 230105, Нукус шаҳри, П.Сейтов кўчаси рақамсиз уй. Тел.: (99861) 229-40-75; факс: (99861) 229-40-75.

Диссертация автореферати 2021 йил «16» XII кунини таркатилди.
(2021 йил «16» XII да 30 рақамли реестр баённомаси).



Б.П. Отемуратов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, ф.-м.ф.д., доцент

З.К. Курбаниязова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, п.ф.н., доцент

Э.И. Рўзиев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги Илмий семинар раиси, п.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёнинг ривожланган мамлакатларида физикани интегратив ёндашув асосида ривожлантириш, уни ўқитишда виртуал лаборатория машғулотларини кенгайтириш, интерфаол дастурий воситалар, визуал моделлар, мультимедиа электрон захиралар яратиш долзарб масалалар ҳисобланиб, физика фани шахс интеллектуал салоҳияти ривожланишига таъсир кўрсатувчи кўп омилли феномен сифатида қаралмоқда. Айниқса, физика фани бўйича замонавий тадқиқот ишлари фанлараро илмий изланишлар, техник, физик экспериментал негизнинг мураккаблашуви, физикадан тадқиқот ишларининг глобаллашуви (масалан, Европанинг ядро тадқиқотлари ташкилоти (CERN), Европа космик агентлиги (ESA), Европа жанубий расадхонаси (ESO)) каби долзарб фундаментал муаммоларни ечишда ўзаро ҳамкорликда ишлайдиган замонавий компетентли тадқиқотчиларни тайёрлашни тақозо этмоқда.

Дунё мамлакатларида физикадан лаборатория ишларини интегратив ёндашув асосида ўқитишнинг ташкилий-методик асосларини тадқиқ қилиш, ахборот технологиялари имкониятлари орқали виртуал электрон ресурсларни ишлаб чиқиш, таълим жараёнини технологиялаштириш мақсадларига қаратилган илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Шу билан бирга, бўлажак педагог кадрларнинг изланиш фаоллиги, ижодкорлиги, тадқиқотчилик қобилиятини ривожлантиришга қаратилган физикадан лаборатория ишларини ташкил этиш, тайёрлаш ва ўтказишда замонавий дидактик воситалар, шакл ва методларни такомиллаштириш муҳим устуворлик касб этмоқда.

Мамлакатимизда олий таълим муассаса (ОТМ)ларининг моддий-техник негизини мустаҳкамлаш, ўқув жараёнини компьютерлаштириш, уларнинг ўқув-методик, дидактик таъминотини ривожлантиришга қаратилган ислохотларга, талабаларни табиий фанлар бўйича тадқиқотчилик фаолиятига тайёрлашда интегратив ёндашувни қўллашга катта эътибор қаратилмоқда. Физика фанлари бўйича таълим сифатини ошириш, янги ва таълим бозорида талаб юқори бўлган мутахассисликлар бўйича кадрлар тайёрлашни йўлга қўйиш зарурати мавжуд. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида «Физика каби муҳим ва талаб юқори бўлган предметларни чуқурлаштирилган тарзда ўрганиш, илмий ва инновация ютуқларини амалиётга жорий қилишнинг самарали механизмларини яратиш»¹ каби устувор вазифалар белгиланганди. Бу ўз навбатида, физикадан лаборатория ишларини интегратив ёндашув асосида, шунингдек, бўлажак ўқитувчиларда касбий компетентликни ривожлантириш технологиясини такомиллаштириш янада долзарб аҳамият касб этишини кўрсатади.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони. // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида», 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847-сон «Ўзбекистон Республикаси олий таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги фармонлари, 2018 йил 5 июндаги ПҚ-3775-сон «Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида», 2020 йил 6 ноябрдаги ПҚ-4884-сон «Таълим-тарбия тизимини янада такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида», 2021 йил 19 мартдаги ПҚ-5032-сон «Физика соҳасидаги таълим сифатини ошириш ва илмий тадқиқотларни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари ҳамда мазкур соҳага тааллуқли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда, инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Мамлакатимизда физика фанининг назарий асослари, талабаларда илмий дунёқарашни ривожлантиришнинг ўзига хос методик жиҳатларини ишлаб чиқиш масалалари М.Джораев, М.Жуманиёзова, П.Жалолова, Ҳ.Жўраев, Ю.Маҳмудов, М.Мирзахмедов, К.Турсунметов Х.Маҳмудова, Б.Нуруллаев, Г.Карлыбаева, С.Қаҳҳоров М.Қурбонов, Қ.Суяров, замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланишнинг назарий ва методик асослари Б.Абдуллаева, А.Абдуқодиров, И.Билолов, Р.Джураев, У.Бегимқулов, Н.Тайлақов ва бошқа тадқиқотчилар томонидан тадқиқ этилган.

Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги (МДХ) мамлакатларида физика ўқитиш муаммолари А.Бугаева, Н.Гомулина, С.Каменецкий, И.Нурминский, В.Разумовский, А.Усова ва бошқалар томонидан илмий ўрганилган.

Хорижий давлатларда физика таълимини кенг жорий этишнинг аҳамияти John Dirk Walecka, Michael Shepherd, T.Hinton ва бошқалар томонидан тадқиқ этилган.

Бироқ олий таълим муассасаларида физикадан лаборатория ишларини интегратив ёндашув асосида такомиллаштириш методикаси махсус тадқиқ этилмаган. Бу эса, физикадан лаборатория ишларини интегратив ёндашув асосида такомиллаштириш юзасидан илмий-тадқиқот ишлари олиб боришни тақозо этди.

Тадқиқот мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий–тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.

Диссертация тадқиқоти Қорақалпоқ давлат университетининг илмий–тадқиқот ишлари режасининг ОТ-Ф-2-77 рақамли «Моделлаштириш асосида ички нуқсонларни ҳисобга олган ҳолда яримўтказгичли асбобларнинг ишончилигини башорат қилишни такомиллаштириш усули» мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади олий таълим муассасаларида физикадан лаборатория ишларини интегратив ёндашув асосида такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқот вазифалари:

талабаларда физикадан лаборатория ишларини интегратив ёндашув асосида такомиллаштиришга оид мустақил, ижодий фикрлашини ривожлантириш ҳамда муаммоларни ҳал этиш шакллари ва йўлларини аниқлаштириш;

интегратив ёндашув асосида табиат объектлари, ходисалари ва жараёнлари, унда кечадиган қонуниятларни ёритиб бериш;

талабаларнинг ижодий қобилиятларига қаратилган интерфаол замонавий таълим технологиялари асосида экспериментал билим, кўникма ва малакаларни ривожлантириш;

лаборатория машғулотларида интегратив ёндашув асосида физик ҳодиса ва жараёнларни компьютер технологиялари воситасида моделлаштириш ва улардан самарали фойдаланиш орқали талабаларда амалий физик манзараларга оид тасаввурларни кенгайтириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида олий таълим муассасаларида физикадан лаборатория ишларини интегратив ёндашув асосида такомиллаштириш жараёни белгиланиб, педагогик тажриба-синов ишларига Қорақалпоқ давлат университети, Тошкент давлат педагогика университети, Навоий давлат педагогика институтларининг 225 нафар талабаси жалб қилинди.

Тадқиқотнинг предмети олий таълим муассасаларида физикадан лаборатория ишларини интегратив ёндашув асосида такомиллаштириш модели ва технологияси.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда назарий (таҳлилий-статистик, қиёсий-таққослаш), диагностик (суҳбат, сўровнома, кузатиш, таснифлаш), тест топшириқлари, ўқитувчи ва талабалар билан суҳбатлар, баҳс-мунозаралар, педагогик тажриба-синов (маълумотларни математик-статистик таҳлил қилиш, натижаларни диаграмма, график, жадвал, расм тасвирлаш ва бошқалар) каби усуллардан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

талабаларнинг билиш фаоллиги, аналитик ва ижодий фикрлашини ривожлантиришнинг механизмлари физикадан лаборатория машғулотларида фанлар интеграциясини таъминлашга йўналтирилган тизимли, фаолиятга

доир тадқиқотчилик салоҳиятини физик экспериментал фаолият таркибига киритиш орқали такомиллаштирилган;

физикадан лаборатория ишларининг мазмуни таркиби талабаларда тадқиқотчилик қобилиятини ривожлантиришга қаратилган табиат ҳодисаларини (тебранишлар, кимёвий жараёнлар, атом эффектлари) кузатиш ва тажриба ўтказиш жараёнлари орқали олган билимларини таҳлил қилиш, синтез ва қийслаш асосида такомиллаштирилган;

механик ва молекуляр ҳодисалар, оптик эффектлар, ядродаги элементар зарраларни компьютер технологиялари воситасида моделлаштиришга оид ишланмаларни ўқув жараёнига киритиш асосида талабаларнинг илмий тасаввурларини самарали кенгайтириш мумкинлиги асосланган;

методик тизим модели талабаларда физикадан экспериментал билим, кўникма ва малакаларини ривожлантиришга йўналтирилган интерфаол таълим технологияларидан фойдаланиш орқали физикадан лаборатория ишларини бажариш, экспериментал масалаларни ечиш ва мустақил ижодий изланишлар олиб бориш жараёнлари такомиллаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагиларда ўз аксини топган:

талабаларда физикадан лаборатория ишларини интегротив ёндашув асосида такомиллаштиришга оид мустақил фикрлашни ривожлантириш (репродуктив, эвристик, мотивация, рефлексия) ҳамда муаммоларни ҳал этиш воситалари ва йўллари аниқлаштирилган;

интегротив ёндашув асосида табиат объект ва ҳодисалари, унда кечадиган жараёнлар қонуниятларини ёритиб бериш бўйича виртуал лаборатория ишлари тайёрланган;

талабаларнинг ижодий қобилиятларига (ишлаб чиқариш ва техник, ихтирочилик, илмий, ижтимоий, ташкилий) қаратилган интерфаол таълим технологиялари мажмуи ишлаб чиқилган;

лаборатория машғулотларида интегротив ёндашув асосида физик ҳодисаларни компьютер воситасида моделлаштириш ва улардан самарали фойдаланиш босқичлари ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги қўлланилган ёндашув, усулларнинг илмий-методик асосланганлиги, назарий маълумотларнинг расмий манбалардан олинганлиги, келтирилган таҳлиллар, тажриба-синов ишлари самарадорлиги математик-статистик методлар воситасида асосланганлиги, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилганлиги ҳамда ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқотнинг илмий аҳамияти талабаларда физикадан лаборатория ишларини интегротив ёндашув асосида такомиллаштириш бўйича илмий фикрларни ривожлантириш таълим жараёнига замонавий педагогик ва ахборот технологияларни жорий қилиш, лаборатория машғулотларини ташкил қилишда виртуал ишланмалар ва компьютердан фойдаланиш методикасини такомиллаштиришга хизмат қилиши билан изоҳланади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти ОТМларида физикадан лаборатория ишларини интегратив ёндашув асосида такомиллаштириш «Умумий физика»га оид лаборатория машғулотларининг мазмунини бойитишга, замонавий ўқув-методик, дастурий-дидактик таъминотини яратишга ҳамда илғор таълим технологияларидан фойдаланиш ва ўқув жараёнида қўллаш орқали таълим самарадорлигини оширишга хизмат қилиши билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Физикадан лаборатория ишларини интегратив ёндашув асосида такомиллаштириш бўйича олинган натижалар асосида:

талабаларнинг билиш фаоллиги, аналитик ва ижодий фикрлашини ривожлантиришнинг механизмлари физикадан лаборатория машғулотларида фанлар интеграциясини таъминлашга йўналтирилган тизимли, фаолиятга доир тадқиқотчилик салоҳиятини физик экспериментал фаолиятга тадбиқ этиш орқали такомиллаштиришга доир таклиф ва тавсиялардан физикадан Давлат таълим стандартини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2021 йил 19 январдаги 89-03-287-сон маълумотномаси). Натижада, мазкур таклиф ва тавсиялар доирасида ишлаб чиқилган илмий ишланмалар физика таълимида илмий-назарий маълумотлардан кенг фойдаланиш, ўқув-методик, дастурий-дидактик таъминот ҳамда лаборатория ишларини бажариш техникаси ва технологиясини такомиллаштиришга хизмат қилган;

физикадан лаборатория ишларининг мазмуни талабаларда тадқиқотчилик қобилиятини ривожлантиришга қаратилган табиат ҳодисаларини (тебранишлар, кимёвий жараёнлар, атом эффектлари) кузатиш, тажриба ўтказиш ва кичик тадқиқот ишларини ташкил этиш орқали олган билимларини таҳлил қилиш, синтез ва қиёслаш асосида такомиллаштиришга доир амалий таклиф ва тавсиялардан ЁА5-ХТ-1-31884 рақамли «Инновацион технологиялар шароитида физика ўқитувчисини методик тайёргарлигини шакллантириш усуллари» (2014-2015 йй.) мавзусидаги амалий тадқиқот лойиҳасида фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 2 июлдаги 89-03-2400-сон маълумотномаси). Натижада, тайёрланган илмий-методик ишланмалар орқали таълимнинг электрон-методик таъминотини яхшилаш, ўқув жараёнига ахборот технологияларини жорий этиш бўйича лаборатория ишларини бажаришга оид ишланмаларни яратиш, машғулотларни ташкил этиш механизмларини такомиллаштиришга эришилган;

физикадан экспериментал фаолиятга ўргатиш учун методик тизим модели талабаларда физикадан экспериментал билим, кўникма ва малакаларини ривожлантиришга йўналтирилган интерфаол таълим технологияларидан фойдаланиш орқали физикадан лаборатория ишларини бажариш, экспериментал масалаларни ечиш ва мустақил ижодий изланишлар олиб бориш асосида такомиллаштиришга доир таклифлардан ОТ-Ф-2-77 рақамли «Моделлаштириш асосида ички нуқсонларни ҳисобга олган ҳолда

яримўтказгичли асбобларнинг ишончлигини башорат қилишни такомиллаштириш усули» мавзусидаги амалий тадқиқот лойиҳасида фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 2 июлдаги 89-03-2400-сон маълумотномаси). Натижада, бўлажак ўқитувчилар (талабалар) касбий компетенциялари даражасини ривожлантириш орқали лаборатория машғулотларини ташкил этиш ва ўтказиш самарадорлигини оширишга эришилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалар 2 та ҳалқаро ва 12 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 26 та илмий иш, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 7 та мақола, жумладан, 6 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, уч боб, хулоса ва тавсиялар, 124 саҳифа матн, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги асосланган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси баён этилган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, шунингдек, объекти ва предмети аниқланган, тадқиқот ишининг фан ва технологияларни ривожлантиришнинг муҳим йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги, натижаларнинг ишончлиги, назарий ва амалий аҳамияти, натижаларининг амалиётга жорий этилиши, эълон қилинганлиги, ишнинг тузилиши борасида маълумотлар киритилган.

Диссертациянинг «**Физикадан лаборатория ишларини интегратив ёндашув асосида такомиллаштиришнинг назарий асослари**» деб номланган биринчи бобида физика таълимида интегратив ёндашувдан фойдаланишнинг ҳозирги ҳолати, физика ўқитиш жараёнида интегратив материаллар мазмуни ва улардан фойдаланиш, узлуксиз таълим тизимида лаборатория ишларининг дидактик имкониятларини кенгайтириш ёритиб берилган.

«Интеграция» атамаси педагогика таълимида мазмун ва моҳияти жиҳатидан узоқ тарихга эга. Коинотда, жамият ҳаётида, турмушда ва ишлаб чиқаришда, таълимда, яъни микро оламдан тортиб макро оламгача интеграция муҳим аҳамият касб этади. Интеграция – кенг маъноли тушунча. Бугунги кунга келиб, инсоният ўқитишда интеграция жараёнининг моҳиятини, ривожлантирувчи функцияларининг амалда қўлланилиши, сайёрамиздаги муҳим экологик муаммоларни ҳал қилиш ва Ерда ҳаётни сақлаб қолиш мумкинлигини англаган ҳолда, унга катта эътибор қаратмоқдалар. Айниқса, талабаларнинг илмий дунёқарашини, экологик

маданиятини ривожлантиришда интеграция жараёнининг муҳимлиги дунё олимлари томонидан алоҳида қайд этилмоқда.

Таълимда интеграция – билимларнинг бир-бири билан уйғун бирлашиши, янги ва ягона барқарор умумлашган – яхлит билимни ҳосил қилиш деган маъноларни англатади. Интеграция тушунчасига берилаётган таърифлар турлича бўлиб, бу таърифларнинг умумийлик томони шундаки, интеграция – бу атрофимиздаги борлиққа яхлит, бир бутун объект сифатида қарашдан иборат. «Интеграция» тушунчаси XVIII асрда Г.Спенсер томонидан қўлланилган.

Тадқиқот ишида физикадан лаборатория ишларини бажаришда таълим олувчилар билан ўқув жараёнини замонавий ахборот технологиялари воситасида ташкил этиш, вазифа ва топшириқларни компьютер техникасидан фойдаланиб ўрганиш, физиканинг амалда кўриш ва кузатиш мумкин бўлмаган ёки қийин бўлган ҳодисаларини ўқув дастури режасини ўзгартирмасдан ўрганиш, таълим олувчилар ўзлари мустақил билим олишлари ва амалий вазифаларни бажаришлари уларни амалга ошириш имконини берди.

Олиб борилган тадқиқот ишларининг етакчи ғояларини таҳлил қилиш, фалсафий-методологик асосларни танлаш ва тадқиқий ёндашувларни қиёсий таҳлил қилиш, фан ва таълим интеграциясининг муаммоли соҳаси тавсифи бизга умумий илмий-методик асослар – фанлараро тизимли ёндашув, таълим соҳасидаги ҳодисалар ва жараёнларни назарий тавсифлаш учун зарур шарт сифатида кўриб чиқишга имкон берди.

Лаборатория иши – бу зарурий касбий маҳоратни шакллантиришга қаратилган ўқитиш шакли. Лаборатория машғулотида таълим олувчилар ўқитувчи раҳбарлигида ёки мустақил равишда назарий билимларини чуқурлаштириш, мустақил тажриба ўтказиш кўникма ва малакаларини ривожлантириш мақсадларида ишни бажаришади. Лаборатория машғулоти таълим олувчиларнинг узлуксиз таълим тизимида ўтказиладиган мустақил амалий ва тадқиқотчилик ишлари турларидан биридир.

Физика ўқитишда бошқа фанлар билан интеграцияни амалга ошириш қуйидаги мақсадларни назарда тутди:

талабаларда табиий-илмий билимлар ҳақидаги қарашни диалектика бирлиги асосида шакллантириш;

билимларни тизимлаштиришини ташкил этиш;

ўқитишнинг касбга йўналишини кучайтириш;

таълим олувчиларда ҳодисалар, қонунлар, тушунчалар, назариялар орасида ҳар томонлама интеграция борлигининг англаш кўникма ва малакаларини шакллантириш.

Таълимда интеграциянинг методологик функцияси асосан учта аспектга ажратилади: эвристик, илмий дунёқараш, инструментал (1-расм).




1-расм. Таълимда интеграциянинг методологик функциялари модели

Физика ўқитишда интегратив материалларни инновацион педагогик, интегратив, ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш натижасида дарсда вақтдан унумли фойдаланилади, талабаларнинг фаоллиги, физика дарсига қизиқиши ортади, илмий дунёқараши шаклланади, дарс самарадорлиги ошади. Олиб борилган тадқиқотда талабаларни физикадан экспериментал фаолиятга ўргатиш учун методик тизим модели ишлаб чиқилди (2-расм).

Таълимда интеграциянинг дидактик вазифалари қуйидагилардан иборат: ўқув материалларини мувофиқлаштиради ва уларга умумий йўналиш беради; талабаларнинг табиат диалектикаси элементларини билиб олишлари, оламни яхлит тушунишларини таъминлайди; талабалар билиминини тизимлаштиришга, изчил ривожлантиришга ва уни умумлаштиришга омил бўлди.

Диссертациянинг «**Физикадан лаборатория ишларини интегратив ёндашув асосида такомиллаштириш методикаси**» деб номланган иккинчи бобида физикадан лаборатория ишларини ўтказиш жараёнида талабаларнинг ижодий қобилиятларини ривожлантириш, виртуал лабораторияларнинг вазифалари ва улардан фойдаланиш имкониятлари, инновацион педагогик технологиялардан фойдаланиш йўллари баён этилган.

Тадқиқот ишида лаборатория машғулотлари талабаларнинг экспериментал билимларини оширишда таълим воситаларининг роли, машғулотларни ташкил қилишда компетенциявий ёндашувнинг зарурати, физикадан лаборатория ишларини бажаришда эгалланган назарий билимларни амалиётда қўллаш, кўникма ва малакасини ошириш билан боғлиқ муаммоларнинг илмий ечимлари баён қилинган.



2-расм. Талабаларни физикадан экспериментал фаолиятга ўргатиш учун методик тизим модели

Бўлажак физика ўқитувчиларининг лаборатория ишларини бажариш кўникма ва малакаларини ривожлантиришда фундаментал билимлари ва амалий ишлари натижаларининг ўзаро муносабатлари қуйидагича талқин этилди:

1. Фундаментал ва амалий тадқиқот ишлари бири иккинчисига алоқасиз, мустақил ривожланди.

2. Фундаментал тадқиқот ишлари билимларни чуқурлаштиришда амалий тадқиқот ишлари асос бўлди.

3. Амалиётда юзага келадиган зиддиятлар махсус фундаментал тадқиқот ишлари ёрдамида ечилди.

Талабаларни ижодий фаолиятга ўргатиш қайта хотирлаш, қисман ижодий ва илмий-ижодий даражада бўлиши мумкин.

Қайта хотирлаш фаолияти – ўқитувчи томонидан кўрсатилган ёки дарсликда берилган намунага қараб машқ бажариш фаолияти. Бу талабанинг фаоллик даражасини чегаралайди, у изланиш, кашф қилишга эҳтиёж сезмайди.

Қисман изланувчанлик фаолиятида талаба йўналтирувчи топшириқлар ёрдамида физик ҳодисаларнинг ўхшаш ва фарқли томонлари устида ўйлаш, уни топиш, аввалги билимларини қисман номаълум шароитларда қўллаши лозим.

Илмий-ижодий фаолиятда талабадан ҳеч қандай ташқи ёрдамсиз олган билимларни бутунлай янги шароитда (масалан, лаборатория ишларини бажаришда) қўллай олиши, фаолият учун зарур бўлган, лекин ўзида бўлмаган билимлар манбаларини билиши, улардан унумли фойдаланиш усулларини эгаллаши талаб қилинади. Талабанинг ижодий фаолият тажрибасига қанчалик асосланилса, таълимнинг самарадорлик даражаси шунчалик юқори бўлади.

Таълим жараёнида замонавий интерфаол, инновацион методлар ахборот-коммуникация технологиялари ёрдамида қўлланилади. Ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш лаборатория машғулотлари ва мустақил таълим жараёнида қуйидаги йўналишлар бўйича кўшимча имкониятлар яратишга имкон беради:

катта ҳажмдаги ўқув ахборотга эга бўлиш;

ўрганилаётган материалнинг образли аниқ шаклини тақдим этиш;

фаол ўқитиш методларини амалга ошириш;

назарий билимлар ва касбий фаолият орасида алоқани таъминлаш.

Виртуал лаборатория бўйича илмий-методик ишларнинг мавжудлари асосан, виртуал асбоб ва уларни лаборатория машғулотларида қўллашнинг ёритилиши билан чекланган. Бироқ бизнинг фикримизча, виртуал лаборатория иши фақат виртуал асбоблар эмас, балки виртуал ўқув хоналари, техник объектлар лойиҳаси, математик ва имитацияли моделлаш тизимлари, амалий дастурлар ўқув ва ишлаб чиқариш пакетларини ўз ичига олади. Виртуал лабораторияларнинг ўзи эса талабаларнинг курс ва битирув малакавий лойиҳаларида, ўқув-тадқиқот ишларида қўлланилиши мумкин.

«Виртуал лаборатория» тушунчасининг моҳияти таркибий қисм бўлган виртуал асбоб ёрдамида (оддий электрон асбоб билан ишлагандек) компьютерда ишлаш имкониятини берадиган, оддий компьютерга қўшимча қилинган аппаратли ва дастурли воситалар тўпламини ифодалашдан иборат.

Физик жараёнларни моделлаштириш имкониятини берадиган дастурларга: Origin, MathCad, Maple, Crocodile Physics, Elecytonics, Workdench, Interactive Physics ва бошқа дастур пакетларини мисол келтириш мумкин.

Компьютер асосидаги виртуал лабораторияни яратишда қуйидаги босқичдаги вазифалар бажарилади:

объектларнинг элементлари аниқланиб, улар билан боғлиқ ҳодисалар ўрганилади;

предмет соҳа ва ундаги масалаларнинг қандай кўринишда бўлиши ва улар билан боғлиқ ҳаётий вазият аниқланади;

объектнинг математик ва образли модели тузилади;

моделда иштирок этган бош омиллар аниқланади (иккинчи даражалари ташлаб юборилади);

моделнинг хусусиятларини акс эттирувчи алгоритм ва дастур тузилади;

алгоритм ва дастур асосида объектларнинг хусусияти текширилади ёки намоёйиш қилинади.

Ҳозирги вақтда виртуал лаборатория ишлари икки йўналишда қўлланилади:

1. Эксперимент натижаларини ҳосил қилувчи виртуал лаборатория ишлари. Ушбу лаборатория иши фанда аниқланган математик моделлардан фойдаланган ҳолда экспериментал тадқиқот ишларини олиб боради.

2. Статистик ҳолатларни тасвирловчи виртуал лаборатория ишлари. Ушбу лаборатория ишлари илмий кузатишлар натижасида аниқланган объектларни ўқув жараёнида тушунтириш мақсадида яратилади.

Виртуал лаборатория қуйидаги босқичларни ўз ичига олади:

талабалар томонидан ахборотни бир нечта қабул қилиш каналларидан бир вақтда фойдаланиш ва бунинг натижасида маълумотлар интеграциясини ташкил қилиш;

мураккаб тажриба жараёнларини имитация қилиш;

жараёнларни динамик тақдим этиш орқали тасаввур қилиш қийин бўлган (абстракт) маълумотларни визуаллаштириш (образлар кўринишида тақдим этиш);

ҳар хил даражадаги мураккаб (когнитив) тузилмаларни ривожлантириш имконияти ва талабаларнинг қабул қилиш даражаси билан ўқув материалларини боғлаш.

Бундай лаборатория ишларининг бир неча афзаллик жиҳатлари бор: биринчидан, бундай лабораториялар катта сармояларни талаб қилмайди; иккинчидан, талаба лаборатория ишини хоҳлаган жойида бажариши мумкин (фақат талаба шахсий компьютер билан таянган бўлиши керак);

учинчидан, ҳисоблаш амалларини дастурнинг ўзи бажаради, бунда талаба вақтдан ютади.

Шу билан бирга камчиликлари ҳам бор: биринчидан, талаба жараёни реал кўра олмайди; иккинчидан, талаба шахсий компьютер билан таъминланган бўлиши керак.

Интегратив ёндашувлар асосида ўқув жараёнини ташкил этиш бўйича ўтказилган тадқиқот ишимиз натижалари қуйидаги хулосаларни чиқаришга асос бўлди:

1. Таълим олувчиларнинг муайян дунёқарашини ривожлантирди, чунки билимларни эгаллашнинг юқори мустақиллиги уларни ишончга трансформациялаш имконини берди.

2. Таълим олувчининг шахсий мотивациясини, унинг ўқув-билиш қизиқишларини шакллантирди.

3. Таълим олувчиларнинг мантикий фикрлаш қобилиятини ривожлантирди.

4. Таълим олувчиларнинг ўрганаётган ҳодиса, жараён ва қонуниятлардаги янги алоқаларни аниқлашни таъминлайди.

5. Тадқиқотчиликка ўргатиш, хусусан, маънавий баркамол талабани тарбиялашга асос бўлади. Ўз фикри, ўз қарашига эга бўлиш комил талаба шахсининг муҳим белгиси ҳисобланди.

6. Ўқитувчи–таълим олувчининг таълим жараёнидаги муносабати субъект–объект фаолиятдан педагогик ҳамкорлик даражасига кўтарилиб, таълим олувчи дарс жараёнининг ижрочисига – субъектига айланса, таълим олиш қизиқарли бўлади. Ижодий фаолият таълим олувчи учун ҳаётий эҳтиёжга, интегратив дарслар эса комилликка олиб бориш воситасига айланади.

7. Таълим олувчининг дарслик ёки ўрганилаётган фан мазмунини ўқитувчисидан тайёр ҳолда олмай, балки ўзи кашф этиб ўзлаштириши унда яратувчанлик қобилиятни уйғотади. Таълим олувчи кашфиёт лаззатини тотади ва бу уни янги изланишлар сари етаклайди.

Лаборатория машғулотларининг инновациявийлиги қуйидагилар билан шартланади:

1. Ривожлантирувчи ва ўқитиш мақсадларининг рўёбга чиқарилиши, уларнинг тармоқ тайёргарлиги фанлар бўйича ўқитиш воситаларини лойиҳалаштириш, тузиш ва ишлаб чиқиш соҳасида бўлажак физика ўқитувчиларида умумий ва касбий компетенциялар ривожлантирилишига йўналтирилганлиги.

2. Муаммоли-ривожлантирувчи ўқитиш методларини, шунингдек, педагогик технология принциплари ва усулларини танлаб олиш ва уларни рўёбга чиқариш.

3. Машғулотда мустақил ишни, унга тайёрланишни ташкил этиш.

4. Методик маҳоратни эгаллаш даражасини таҳлил қилиш ва унинг методик рефлексиясини амалга ошириш.

Тадқиқот ишимиз жараёнида таълим олувчиларда лаборатория ишларини бажаришда анъанавий ва ноанъанавий технологиялар асосида ўқитиш методлари ўртасида кескин фарқ мавжудлиги аниқланди, яъни ноанъанавий дарс ўтилган гуруҳлардаги таълим олувчилар лаборатория ишини бажарганда анъанавий дарс ўтилган гуруҳдагиларга нисбатан тажрибани белгиланган вақтда бажариб, тажриба натижалари билан танишиб, хулоса ва таҳлил қилганликлари ҳамда маъруза соатида олган назарий билимлари тасдиғи тажрибада асосланиб, уларнинг билим, кўникма ва малакалари яхшироқ бўлганлиги маълум бўлди.

Диссертациянинг «**Тажриба-синов ишларини ташкил этиш ва уни ўтказиш**» деб номланган учинчи бобида тажриба-синов ишларини ташкил этиш ва уни ўтказиш, тажриба-синов ишларининг натижалари ва уларнинг таҳлили ёритиб берилган.

Педагогик тажриба-синов ишлари 2017-2020 йилларда тадқиқотчи ва тажрибали физика ўқитувчилари томонидан Қорақалпоқ давлат университети, Навоий давлат педагогика институти ва Тошкент давлат педагогика университетидан физикадан лаборатория ишларини интегрatív ёндашув асосида такомиллаштириш бўйича олиб борилди. Шу билан бирга олий таълим муассасаларида физикадан лаборатория машғулотларини ўтказишда ўқитувчилар интегрatív билимлардан қай даражада фойдаланилаётганлиги ҳамда дарсларда бу вазифани ҳал этишнинг аҳволи аниқланди. Бунинг учун ўқитувчилар билан қўшимча «Интеграция нима?», «Интегрatív ёндашув деганда нимани тушунасиз?», «Интеграция таълимнинг қандай муаммосини ҳал этишда кучли восита сифатида иштирок этади?» каби мавзуларда суҳбатлар ўтказилди.

Педагогик тажриба-синов натижалари тадқиқотнинг илмий фарази асосли эканлигини тасдиқлади.

Кузатиш жараёнида физика ўқитувчиларига берилган сўровнома саволлари асосида қуйидаги масалалар ўрганилди:

1. Ўқитувчиларнинг интеграция тушунчаси тўғрисидаги билимлари қай даражада эканлиги.

2. Физикадан лаборатория ишларини интегрatív материаллар асосида бажаришнинг талабалар билими сифати ва самарадорлигига таъсири.

3. Физикадан лаборатория ишларини интегрatív материаллар асосида бажаришдаги қийинчиликлар.

4. Физикадан лаборатория ишларини интегрatív ёндашув асосида такомиллаштиришда талабалар ижодий қоблиятини ривожлантиришнинг аҳамияти.

5. Физикадан лаборатория ишларини интегрatív ёндашув асосида такомиллаштиришнинг борлиқ ҳодисаларини англашдаги роли.

Бундай мазмундаги сўровнома саволлари физикадан лаборатория ишларини интегрatív ёндашув асосида такомиллаштириш талабаларда оламни яхлит ҳолда англаш, ўзларини ҳам унинг бир қисми эканликларини

ҳис этиш ҳамда уларда Она заминни севиш, уни асраш масъулятини шакллантиришда муҳим восита эканлигини кўрсатди.

Лаборатория ишлари бўйича тажриба-синов натижаларининг статистик ҳисоб жадваллари қуйидагича акс этади (1-3-жадваллар)

1-жадвал

Тажриба-синов ишлари натижаларининг статистик ҳисоби

Таълим муассасалари		ҚДУ	НавДУ	ТДПУ	Жами
Ўртача киймат	Тажриба гуруҳи	3,76	3,76	3,80	3,77
	Назорат гуруҳи	3,31	3,32	3,34	3,32
Самарадорлик коэффициенти		1,14	1,13	1,14	1,14
Танланма дисперсия	Тажриба гуруҳи	0,45	0,48	0,45	0,46
	Назорат гуруҳи	0,44	0,47	0,44	0,45
Стандарт хатолик	Тажриба гуруҳи	0,67	0,69	0,67	0,68
	Назорат гуруҳи	0,67	0,68	0,66	0,67
Ишончлилик оралиғи	Тажриба гуруҳи	3,61	3,60	3,65	3,68
		3,91	3,92	3,95	3,86
	Назорат гуруҳи	3,16	3,16	3,19	3,23
		3,46	3,48	3,49	3,41
Вариация кўрсаткичлари	Тажриба гуруҳи	18%	18%	18%	18%
	Назорат гуруҳи	20%	21%	20%	20%
Ишончли четланишлар	Тажриба гуруҳи	0,07	0,08	0,08	0,08
	Назорат гуруҳи	0,07	0,08	0,07	0,07
Билим сифатини баҳолаш		1,09	1,08	1,09	1,09
Билим даражасини баҳолаш		0,45	0,44	0,46	0,45
Стъудент статистикаси		4,19	3,89	4,22	7,10
Статистиканинг озодлик даражаси		151	145	147	447
Критик киймат		1,98	1,98	1,98	1,97
Мезонли хулоса		H ₁	H ₁	H ₁	H ₁

2-жадвал

Талабаларнинг экспериментал масалаларни ечиш бўйича ҳисоби

Таълим муассасалари		ҚДУ	НавДУ	ТДПУ	Жами
Ўртача киймат	Тажриба гуруҳи	3,75	3,77	3,80	3,77
	Назорат гуруҳи	3,33	3,38	3,36	3,36
Самарадолик коэффициенти		1,12	1,12	1,13	1,12

Танланма дисперсия	Тажриба гуруҳи	0,46	0,44	0,48	0,46
	Назорат гуруҳи	0,43	0,48	0,42	0,44
Стандарт хатолик	Тажриба гуруҳи	0,68	0,66	0,69	0,68
	Назорат гуруҳи	0,65	0,70	0,65	0,67
Ишончлилик оралиғи	Тажриба гуруҳи	3,59	3,62	3,64	3,68
		3,90	3,92	3,96	3,86
	Назорат гуруҳи	3,19	3,21	3,22	3,27
		3,48	3,54	3,51	3,44
Вариация кўрсаткичлари	Тажриба гуруҳи	18%	18%	18%	18%
	Назорат гуруҳи	20%	21%	19%	20%
Ишончли четланишлар	Тажриба гуруҳи	0,08	0,07	0,08	0,08
	Назорат гуруҳи	0,07	0,08	0,07	0,07
Билим сифатини баҳолаш		1,08	1,07	1,08	1,08
Билим даражасини баҳолаш		0,41	0,41	0,43	0,41
Стъудент статистикаси		3,84	3,55	3,96	6,56
Статистиканинг озодлик даражаси		150	144	147	447
Критик қиймат		1,98	1,98	1,98	1,97
Мезонли хулоса		H ₁	H ₁	H ₁	H ₁


3-жадвал

Талабаларнинг мустақил ижодий таълим олишлари бўйича натижалари


Таълим муассасалари		ҚДУ	НавДУ	ТДПУ	Жами
Ўртача киймат	Тажриба гуруҳи	3,81	3,81	3,85	3,83
	Назорат гуруҳи	3,36	3,42	3,41	3,39
Самарадорлик коэффициенти		1,14	1,12	1,13	1,13
Танланма дисперсия	Тажриба гуруҳи	0,45	0,45	0,47	0,45
	Назорат гуруҳи	0,41	0,44	0,43	0,43
Стандарт хатолик	Тажриба гуруҳи	0,67	0,67	0,69	0,67
	Назорат гуруҳи	0,64	0,66	0,66	0,65
Ишончлилик оралиғи	Тажриба гуруҳи	3,66	3,66	3,70	3,74
		3,96	3,96	4,01	3,91
	Назорат гуруҳи	3,22	3,26	3,26	3,31
		3,50	3,57	3,55	3,48
Вариация кўрсаткичлари	Тажриба гуруҳи	17%	17%	18%	18%
	Назорат гуруҳи	19%	19%	19%	19%

Ишончли четланишлар	Тажриба гуруҳи	0,07	0,07	0,08	0,07
	Назорат гуруҳи	0,07	0,07	0,07	0,07
Билим сифатини баҳолаш		1,09	1,07	1,09	1,08
Билим даражасини баҳолаш		0,45	0,40	0,44	0,43
Стъудент статистикаси		4,30	3,62	4,07	6,93
Статистиканинг озодлик даражаси		150	145	147	447
Критик қиймат		1,98	1,98	1,98	1,97
Мезонли хулоса		H ₁	H ₁	H ₁	H ₁

Барча жадваллардан олинган натижаларга кўра, назорат турлари бўйича самарадорлик коэффиценти қуйидагича:



3-расм. Таълим муассасаларидаги самарадорлик кўрсаткичлари



4-расм. Умумий самарадорлик кўрсаткичлари

Олинган натижаларнинг статистик таҳлилига кўра, баҳолаш турлари бўйича тажриба ва назорат гуруҳларида самарадорлик мавжуд бўлиб, уларнинг хулосаларига кўра, H_1 гипотезанинг қабул қилиниши ва ўқитиш сифатини баҳолаш даражасининг бирдан катталиги билиш даражаси нолдан катталиги тўғрисидаги хулосага олиб келди.

Шундай қилиб, тажриба якунидаги олинган натижаларга кўра, умумий самарадорлик кўрсаткичидан келиб чиқиб, тажриба гуруҳида олиб борилган тадқиқот ишлари назорат гуруҳларига нисбатан 1,13 баробарга ошган, яъни 13% га юқори эканлиги статистик методлар билан исботланди.

ХУЛОСАЛАР

Олий таълим муассасаларида физикадан лаборатория ишларини интегратив ёндашув асосида такомиллаштириш бўйича ўтказилган тадқиқот натижалари асосида қуйидаги хулосаларга келинди:

1. Физикадан лаборатория ишларини бажаришда инновацион педагогик ва ахборот-коммуникацион технологиялари татбиқ этилмаганлиги аниқланди.

2. Талабаларнинг ақлий фаолиятини фаоллаштиришда физикадан лаборатория ишларини интегратив ёндашув асосида такомиллаштириш самарадорлигини оширишга имкон берадиган технологияларнинг ўзига хос хусусиятга эга бўлиши билан биргаликда таълим жараёнида таълим берувчи, ривожлантирувчи, тарбияловчи, ижодий фаолиятига йўлловчи, коммуникатив, мантикий фикрлаш, ақлий фаолият усулларини шакллантириш, ўз фаолиятини таҳлил қилиш, касбга йўллаш, касб танлай олиш кўникма ва малакаларини ҳосил қилиш, ҳамкорликни вужудга келтириш каби функцияларнинг бажарилиши асослаб берилди.

3. Физика ўқитишда лаборатория ишларини интегратив ёндашув асосида такомиллаштириш жараёнида талабаларнинг ижодий қобилиятларини ривожлантириш имкониятлари ва омиллари асослаб берилди.

4. Педагогика ва методикага оид адабиётларда табиатшунослик, физика, астрономия, кимё, математика, география ва биология каби фанларни ўқитишда интеграция шароитлари ва тамойилларини таҳлил қилиш асосида тадқиқот муаммоси асосланди.

5. Физика таълими таҳлилининг кўрсатишича, ҳозирги вақтга қадар интегратив билимларнинг мазмуни етарлича очиб берилмаганлиги, улар ҳажмининг белгиланмаганлиги, натижада, талабалар эгаллиши лозим бўлган физикадан интегратив билим, кўникма ва малакалар дидактик бирликлар сифатида мезон эканлиги белгиланди.

6. Физика таълимида бошқа табиий ва ижтимоий фанларга дахлдор мажмуали муаммолар ўрганилаётганда (энергетика, космик учишлар, радиоактив ифлосланиш ва бошқа глобал муаммолар) турли ўқув предметларига оид билимларни интеграллаш, мазкур муаммоларнинг моҳияти ва ҳалокатли оқибатларини англаш зарурий шартлардан эканлиги асосланди.

7. Физикадан лаборатория ишларини интегратив ёндашув асосида такомиллаштириш талабаларнинг физикага қизиқишлари ортишига, илмий дунёқарашларининг кенгайишига, абстракт тафаккури ва мантиқий мушоҳада қилиш қобилиятларининг такомиллашувига, энг муҳими, уларда эгалланган билимларни амалиётда, ҳаётда қўллай билиш кўникма ва малакаларининг шаклланишига асос бўла олиши тажриба-синов жараёнлари давомида асосланди.

8. Тадқиқот борасида олий таълим муассасаларида физикадан лаборатория ишларини интегратив ёндашув асосида такомиллаштиришнинг педагогик шарт-шароитларини аниқлаштириш асосида «Умумий физика» фанини ўқитишнинг амалий-технологик тизими такомиллаштирилди.

Тадқиқот натижалари асосида қўйидаги илмий-методик тавсиялар ишлаб чиқилди:

лаборатория машғулотларини ўтказишда методик, педагогик имкониятлардан кенг фойдаланиш, дидактик тамойиллар асосида уларнинг имкониятларини кенгайтириш, ривожлантириш орқали лаборатория ишларини бажариш техникаси ва технологиясини такомиллаштириш;

талабаларнинг физика билан боғлиқ замонавий касбий компетентлигини шакллантиришга оид инновацион таълим технологиялари асосида илмий-методик таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш орқали бўлажак мутахассисларни тайёрлашда ўз-ўзини намоён қилиш, бошқариш ва баҳолаш компетенцияларини шакллантириш, илмий тасаввурларни ривожлантириш;

физикадан лаборатория ишларини интегратив ёндашув асосида такомиллаштиришга доир ўқув-дастурий маҳсулотлар, ўқув-методик қўлланмалар ва виртуал ишланмаларни ишлаб чиқиш.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.03/30.12.2019.Ped.34.01. ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ НУКУССКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ
ПЕДАГОГИЧЕСКОМ ИНСТИТУТЕ**

КАРАКАЛПАКСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ УНИВЕРСИТЕТ

АЙТЫМБЕТОВ НУРМУХАММЕД ЗАХАРАТДИНОВИЧ

**МЕТОДИКА СОВЕРШЕНСТВОВАНИЯ ЛАБОРАТОРНЫХ РАБОТ ПО
ФИЗИКЕ НА ОСНОВЕ ИНТЕГРАТИВНОГО ПОДХОДА
(НА ПРИМЕРЕ ВЫСШИХ ОБРАЗОВАТЕЛЬНЫХ УЧРЕЖДЕНИЙ)**

13.00.02 – Теория и методика образования и воспитания (физика)

АВТОРЕФЕРАТ

диссертации доктора философии (PhD) по ПЕДАГОГИЧЕСКИМ НАУКАМ

НУКУС – 2021

Тема диссертации доктора философии (PhD) по педагогическим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № В2019.3.PhD/Ped1020.

Диссертация выполнена в Каракалпакском государственном университете.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (www.ndpi.uz) и Информационно-образовательном портале Ziyonet (www.ziyonet.uz).

Научный руководитель: Карлыбаева Гулжахан Ермакбаевна
доктор педагогических наук, доцент

Официальные оппоненты: Курбонов Мирзаахмад
доктор педагогических наук, профессор
Камалов Амангелди Базарбаевич
доктор физико-математического наук, доцент


Ведущая организация: Гулистанский государственный университет

Защита диссертации состоится «28» XII 2021 года в 10⁰⁰ часов на заседании Научного совета DSc.03/30.12.2019.Ped.34.01 по присуждению ученых степеней при Нукусском государственном педагогическом институте. (Адрес: 230105, город Нукус, улица П.Сейитова, дом б/н). Тел.: (99861) 229-40-75; факс: (99861) 229-40-75; e-mail: nkspi_info@edu.uz.

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Нукусского государственного педагогического института (зарегистрирована за № 30). Адрес: Адрес: 230105, город Нукус, улица П.Сейитова, дом б/н. Тел.: (99861) 229-40-75; факс: (99861) 229-40-75.

Автореферат диссертации разослан «16» XII 2021 года.
(реестр протокола рассылки № 30 от «16» XII 2021 года).




Б.П. Отемуратов
Председатель научного совета
по присуждению ученых степеней,
д.ф.-м.н., доцент


З.К. Курбаниязова
Ученый секретарь научного совета
по присуждению ученых степеней,
к.п.н., доцент


Э.Н. Рузиев
Председатель Научного семинара
при научном совете по присуждению
учёных степеней, д. п. н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии PhD)

Актуальность и востребованность темы диссертации. Концепт развития новых методик преподавания развитие физики на основе интегративного подхода, расширение виртуальных лабораторных занятий при ее обучении, создание интерактивных программных средств, визуальных моделей, мультимедийных электронных ресурсов в развитых странах мира обозначено актуальной проблемой, настоятельно требующей внимания к себе. Наука о физике рассматривается в качестве многофакторного феномена, влияющего на развитие интеллектуального потенциала личности. Особенностью современных исследовательских работ по физической науке является то, что они требуют подготовки современных компетентных исследователей, работающих во взаимном сотрудничестве в решении таких актуальных фундаментальных проблем, как межпредметные научные исследования, усложнение технической, физической экспериментальной основы, глобализация исследовательских работ по физике (например, Европейская организация ядерных исследований (CERN), Европейское космическое агентство (ЕКА), Европейская южная обсерватория (ESO)).

В мировой научной среде все большее распространение получают научно-исследовательские работы, направленные на изучение организационно-методических основ обучения лабораторным работам по физике на основе интегративного подхода, разработки виртуальных электронных ресурсов путем возможностей информационных технологий, технологизации образовательного процесса. Вместе с тем, приоритет при организации, подготовке и проведении лабораторных работ по физике, направленных на развитие поисковой активности, творческой деятельности и исследовательских способностей будущих педагогических кадров, отдается совершенствованию современных дидактических средств, форм и методов.

В последнее время в Узбекистане стали уделять должное внимание реформам, направленным на укрепление материально-технической базы высших образовательных учреждений (ВОУ), компьютеризацию учебного процесса, развитие их учебно-методического, дидактического обеспечения, применение интегративного подхода при подготовке студентов к исследовательской деятельности по естественным наукам. Для исполнения этих реформ стал необходим системный подход к повышению образовательного уровня в ходе обучения физике, подготовке кадров по новым и остро востребованным специальностям, имеющимся на рынке образования. В Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан определены такие приоритеты, как «углубленное изучение важных и востребованных предметов, таких как физика, создание эффективных механизмов внедрения научных и инновационных достижений»¹. В проекции выделения этих приоритетов особую значимость приобретает

¹ Указ Президента Республики Узбекистан «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан» от 7 февраля 2017 года № УП-4947. // Собрание законодательства Республики Узбекистан, 2017 г., № 6, ст. 70.

повышение профессиональной компетентности будущих учителей и совершенствование лабораторных работ по физике на основе интегративного подхода, как одной из составляющих этого процесса.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит реализации задач, предусмотренных в указах Президента Республики Узбекистан «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан» от 7 февраля 2017 года № УП-4947, «Об утверждении Концепции развития системы высшего образования Республики Узбекистан до 2030 года» от 8 октября 2019 года № УП-5847, постановлениях главы государства «О дополнительных мерах по повышению качества образования в высших образовательных учреждениях и обеспечению их активного участия в осуществляемых в стране широкомасштабных реформах» от 5 июня 2018 года № ПП-3775, «О дополнительных мерах по дальнейшему совершенствованию системы образования и воспитания» от 6 ноября 2020 года № ПП-4884, «О мерах по повышению качества образования и совершенствованию научных исследований в области физики» от 19 марта 2021 года № ПП-5032, а также в других нормативно-правовых актах, касающихся данной сферы.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий республики I. «Формирование системы инновационных идей и пути их реализации в социальном, правовом, экономическом, культурном, духовно-просветительском развитии информатизированного общества и демократического государства».

Степень изученности проблемы. Теоретические основы физики, вопросы разработки конкретных методологических аспектов развития научного мировоззрения студентов в нашей стране были изучены М.Джораевым, М.Жуманиёзовой, П.Жалоловой, Х.Жураевым, Ю.Махмудовым, М.Мирзахмедовым, К.Турсунметовым, Х.Махмудовой, Б.Нуруллаевым, Г.Карлыбаевой, С.Каххоровым, М.Курбоновым, К.Суяровым, теоретические и методические основы использования современных информационно-коммуникационных технологий – Б.Абдуллаевой, А.Абдукодировым, И.Билоловым, Р.Джураевым, У.Бегимкуловым, Н.Тайлаковым и другими исследователями.

В странах Содружества Независимых Государств (СНГ) проблемы преподавания физики рассматривались А.Бугаевым, Н.Гомулиной, С.Каменецким, И.Нурминским, В.Разумовским, А.Усовой и другими.

В зарубежных странах значимость широкого внедрения теоретического физического образования исследованы John Dirk Walecka, Michael Shepherd, T.Hinton и другими.

Вместе с тем методика совершенствования лабораторных работ по физике на основе интегративного подхода, как предмет специального исследования в высших образовательных учреждениях не получила

должного теоретического обоснования. Подобное положение дел вызвало необходимость проведения научно-исследовательских работ в области совершенствования лабораторных работ по физике на основе интегративного подхода.

Связь темы диссертации с планами научно-исследовательских работ высшего образовательного учреждения, где выполнена диссертация. Диссертационное исследование выполнено в рамках плана научно-исследовательских работ Каракалпакского государственного университета по теме ОТ-Ф-2-77 «Метод совершенствования прогнозирования надежности полупроводниковых приборов на основе моделирования с учетом внутренних дефектов».

Цель исследования состоит в совершенствовании лабораторных работ по физике на основе интегративного подхода в высших образовательных учреждениях.

Задачи исследования:

развивать у студентов самостоятельное творческое мышление по совершенствованию лабораторных работ по физике на основе интегративного подхода и определения форм и способов решения возникающих проблем;

освещать объекты, события и процессы природы, законы, происходящие в ней, на основе интегративного подхода;

совершенствовать экспериментальные знания, навыки и компетенции на основе интерактивных современных образовательных технологий, ориентированных на творческие способности студентов;

разработка предложений и рекомендаций по расширению понимания студентами практических физических пространств в рамках моделирования и эффективного использования компьютерных технологий физических явлений и процессов на основе интегративного подхода в ходе лабораторных занятий.

Объектом исследования является процесс совершенствования лабораторных работ по физике на основе интегративного подхода в высших образовательных учреждениях с участием 225 студентов Каракалпакского государственного университета, Ташкентского государственного педагогического университета, Навоийского государственного педагогического института.

